

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ**

**“ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТЕХНИК НАЗОРАТ”
КАФЕДРАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙ МУЛКЧИЛИК ВА КИЧИК
БИЗНЕСНИ УСТУВОР РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ**

республика илмий-амалий конференцияси

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

27 февраль 2018 йил

(1-қисм)

ТОШКЕНТ

Ушбу илмий-амалий конференция Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтининг илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида ўтказилди.

Мазкур илмий маърузалар тўпламида мамлакат аҳолисининг ҳаёт даражасини ошириш учун тадбиркорлик салоҳиятини ривожлантириш, унинг барқарор суръатларда ўсишини таъминлаш, мустақил хўжалик юритиш ташаббускорлигидан самарали фойдаланишга имкон берувчи институционал асосларини такомиллаштириб боришни тақозо этади. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини инновацион ривожлантириш уни давлат томонидан иқтисодий дастак ва воситалар орқали қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизми ва унинг асосий йўналишларини тадқиқ этишга қаратилган.

Ушбу анжуман материалларидан илмий ходимлар, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, магистрант, катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил изланувчилар, шунингдек аграр соҳа мутахассислари, фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳамда бошқа кенг китобхонлар оммаси фойдаланиши мумкин.

Масъул муҳаррир: профессор Маматов А.А.

Таҳрир хайъати:

Юсупов Д.Р., т. ф. н;
Усмонов К.Х., подполковник;
Қўлдошев И.Х., подполковник;
Анаркулов А.Д., подполковник;
Маматов А.А., профессор;
Долгова И.Е., доцент.

Такризчилар:

профессор Жўраев Т.Т.

профессор Хасанов Р.Р.

Мазкур тўпламга киритилган материалларнинг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар ва меъёрий ҳужжатлар санасининг тўғрилигига ҳамда танқидий фикр мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Набиев Э.Ф., ТМИ.

Тадбиркорлик муаммоси ва унинг турли шакллари тўғрисида кўпгина классик иқтисодчилар ва замонавий олимлар тадқиқотлар олиб борганлар. Иқтисодчи олимларнинг тадбиркорликка қизиқишларининг “Биринчи тўлқини”, яъни тадбиркорликни иқтисодий ноаниқлик ва таваккалчилик даврида иқтисодий фаолият сифатида тадқиқ этган биринчи намоёндалари Ричард Кантильон ҳисобланади. Унинг “Савдонинг умумий табиати тўғрисида эсса” асарида “тадбиркор хавф-хатар остида савдо фаолиятини юритиб ўз корхонасига эга бўлган ва рақобат асосида фаолиятини юритувчи шахс”. “Тадбиркорлик эса, фойда олиш имкониятлари чегараланмаган ва баҳоси аниқ товарларнинг сотиб олади-ю, лекин сотиш баҳоси ноаниқ бўлади, у таваккалчи, таклифни товарга мословчи шахс фаолиятидир.”¹ - деб таъкидланади. Ушбу таърифларда айнан хавф-хатарнинг мавжудлиги тадбиркор учун қийин кечадиган бир ҳолат деб баҳоланади. У тадбиркор ўзини айнан ушбу хавф-хатарга қўйган ҳолда фойда топади, нафақат фойда олади, шунингдек, хизмат кўрсатиш усулларини такомиллаштиради, қўшимча ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширади, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига қўшимча даромадга эга бўлади, деб изоҳлайди. Демак, Р.Кантильон тадбиркорликни ўзига хос функция деб тушинган ва фойда олишга қаратилган, таваккалчилик билан боғлиқ фаолият деб талқин қилган.

Тадбиркорлик назариясини инглиз иқтисодчиси А.Смит 1776 йилда чоп этган “Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисидаги тадқиқотлар” номли асарида ўрганган. Унинг фикрича, иқтисодиёт бу ягона тизим бўлиб унда иқтисодий қонунлар амал қилади ва уларни идрок этиш мумкин. А.Смитнинг таълимотида меҳнат тақсимооти, қийматни меҳнат назарияси ва шахсий манфаат тўғрисидаги таълимотлар муҳим ўрин тутади. Унинг хулосаларига кўра, меҳнат бу бойликнинг манбаи бўлиб ҳисобланади². А.Смит иқтисодий мустақиллик ғоясини илгари суриб, бозор иқтисодиёти шароитида рақобат эркинлигига эътибор беради. У бозор шароитида унинг ҳар бир “агенти” мустақил иш тутиши “кўринмас қўл” воситасида ўз иқтисодий манфаатларини кўзлаб иш юритиши билан кўпинча жаъмият манфаатларига ўзи онгли равишда интилишига нисбатан ҳам тўлароқ хизмат қилади³ - деб таъкидлайди.

Тадбиркорлик назариясини ривожланишида муҳим ўринни Ж.Бодо таълимотлари эгаллайди. “Тадбиркор –бу тадбиркорлик фаолиятини юритиб унга маъсул бўлган шахс ҳисобланади. У шундай шахски корхонага тўлиқ

¹ Кантильон Р. Основы предпринимательской деятельности – М.: 1994. -С.44

² Смит А. Исследования о природе и причинах богатства народов – М.:1766. - С-56.

³ Ўша жойда .-С.158.

эгаллик қилади, ишни режалаштиради, назорат қилади ва ташкил этади”¹. Француз иқтисодчиси Ж.Б.Сей ҳам тадбиркорлик назариясининг ривожланишига муҳим ҳисса қўшган олимлардан ҳисобланади. Ж.Б.Сей тадбиркорларнинг асосий вазифаси ишлаб чиқариш омилларини оқилона бирлаштириш ва комбинациялашдан иборат, “тадбиркор ишлаб чиқариши доирасида бошқа инсонлар фаолиятини ташкил этади”² деб таъкидлаб ўтган.

XX асрга келиб Ғарб мамлакатлари иқтисодиётида кескин ўзгаришлар юз берди – хусусий хўжаликлар тез ривожланди ва мустақкамланди, бозордаги эркин рақобат монополистик бозор баҳоларини жорий этаётган улкан хўжалик бирлашмалари томонидан сиқиб чиқарила бошланди. Корхоналарнинг йириклашуви ва марказлашуви улар ўртасидаги рақобат курашининг кучайишига ва мураккаблашувига олиб келди. Натижада бутун миллий хўжалик ривожланишида узилишлар, номутносибликлар кучайиб борди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги янги технологик уклад базасида янги иқтисодий ўсиш тури шаклланди. Унда иқтисодий ўсишнинг асосан сифат омилларига, биринчи навбатда, инсон омилига ва фан-техника омилларига таянилди. Ижтимоий ишлаб чиқариш таркиби шаклланиб борди, унда инсонлар эҳтиёжларини қондириш устуворлик касб этди. Бу иқтисодиётда оралик маҳсулотига нисбатан яқуний маҳсулотнинг, қазиб чиқариш саноатига нисбатан қайта ишлаш саноатининг, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқаришга нисбатан истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг, ишлаб чиқариш соҳасига нисбатан ижтимоий соҳанинг устун даражада ривожланишини ифода этади.

Жамиятда эркин бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши натижасида иқтисодчи олимларнинг тадбиркорликнинг моҳиятига нисбатан муносабатлари ва ёндошувлари ўзгариб борди. Масалан, тадбиркорларда «новаторлик» хусусиятининг мавжудлиги ва ишлаб чиқариш омиллари ўзаро бирлашган вақтда уларда янги имкониятларнинг шаклланишини Й.Шумпетер қуйидагича тавсифлайди:

- “бозор учун айнан кейинги фаолиятни белгилаб берувчи, истеъмолчиларга янги, номаълум бўлган сифатли товарларни ишлаб чиқариш;

- саноатда илмий кашфиётларга асосланган янги ишлаб чиқариш технологияларини ва усулларини қўллаш, янги бозорларни ўзлаштириш;

- зарур бўлган ўзгаришларни амалга ошириб фаолият юритилаётган соҳа тузилишини қайта ташкил қилишга тўғридан-тўғри таъсир қилиш янги хом ашё турлари ва манбаларини ўзлаштириш имкониятини беради”³.

Унинг фикрича, “тадбиркорлик функцияси янги ишлаб чиқариш жараёнини шакллантириш орқали янги турдаги товарларни турини ишлаб

¹ Экономическая теория Под ред. Дж.Игуэлла, М.Милгейта, П.Ньюмена.- М.: МНФРА- 2004. - С.478

² Сей Ж.Б. Трактат политической экономии – М.: Экономика, 1980.-С.17

³ Шумпетер Й. Теория экономического развития. –М.: 1984.-С.48.

чиқариш, янги хом ашё турларини ўзлаштириш ва янги бозорларни топиб товарларни сотишдан иборат”¹.

Шундай қилиб, Й.Шумпетер тадбиркорликнинг мазмуни янги иқтисодий имкониятларни аниқлаш ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш орқали юқорироқ натижаларга эришишдан иборат деб ҳисоблайди. У нафақат тадбиркорликнинг инновация вазифасини тавсифлаган, балки бизнеснинг ўзгариб турувчи шароитларга мослашувчанлиги тадбиркорнинг муваффақиятга эришишининг зарур шarti эканлигига алоҳида урғу берган ва тадбиркорлик мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида марказий ўрин тутувчи иқтисодий омил деб ҳисоблаган.

Тадбиркорликни иқтисодий категория сифатида таҳлил этиш жараёни бутунги кунгача давом этмоқда. Таъкидлаш жоизки ушбу йўналишда тадқиқотлар олиб бораётган иқтисодчи олимлар тадбиркорликнинг у ёки бу жиҳатларига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Масалан америкалик олимлар М.Петерс ва Р.Хизрич тадбиркорликни чуқур тадқиқ этган ҳолда унга қуйидагича таъриф берган: “Тадбиркор – қиймати ва моҳияти жиҳатидан инновацион янгиликни ифода этувчи маҳсулотни яратади. Тадбиркор бунинг учун ўз вақтини, кучини сарфлайди. У молиявий, маънавий, ижтимоий таваккалчиликни, шунингдек, жавобгарликни ўз зиммасига олувчи, ўз манфаатини кўзловчи бунинг эвазига оладиган даромад ва ютуқларидан қаноатланувчи шахсдир”². Улар тадбиркор фаолиятида янгиликни яратиш эвазига аванслаган капитални қайтариш ва фойда олишга алоҳида урғу берган ҳолда таваккалчилик тушунчасининг мазмунини кенгроқ талқин этганлар.

А. Хоскиннинг фикрича, “қарорни мустақил қабул қилиб, ишни ўз ҳисобидан олиб боровчи, бизнесни бошқариш билан шахсан шуғулланувчи ва керакли воситалар билан таъминланиши учун шахсий жавобгарликни ўз зиммасига олувчи шахс якка тартибдаги тадбиркор бўлади”³. Ушбу таърифда тадбиркор бизнесда қарорларни шахсан қабул қилиши асосида бошқарувни ташкил этишига алоҳида урғу берилган.

В.И. Видяпин раҳбарлигида Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодий академияси олимлари томонидан нашр этилган “Общая экономическая теория” дарслигида “Тадбиркорлик фаолияти – бу ўзининг моддий мафаатларини амалга ошириш пировард мақсадида ижтимоий эҳтиёжларни қондирувчи моддий неъматлар ва хизматларни яратиш учун ишлаб чиқариш омилларини (ресурсларни) ташкил этиш ва бирлаштиришдир”⁴ деб баҳо берилади.

Бизнинг фикримизча, тадбиркорлик турли мулкчилик шаклларига асосланган хўжаликларни юритиш усулига тегишли иқтисодий категориядир. Демак, тадбиркор бир томондан, мулкчиликнинг турли шаклларига

¹ Ўша жойда – С. 130.

² Хизрич Р. Петерс М. Предпринимательство или как завести собственное дело и добиться успеха.- М.: Мысль, 1992.- С.25.

³ Хоскин А. Курс предпринимательства.- М.:1993. – С. 23.

⁴ Общая экономическая теория. Учебник. РЭА.им.Г.В.Плеханова, –М.:»ПРОМО-МЕДИА, 1995.- С.165.

асосланган ҳолда ўз мулкидан капитал сифатида фойдаланиб, корхоналар ташкил этиб, тижорат билан шуғулланади, янги усул ва технологияларни қўллаган ҳолда бойликка-бойлик қўшади. Бу эса мамлакатнинг иқтисодий кудратини оширади. Мулкчиликнинг турли кўринишларини шакллантириш, уларнинг тенг ҳуқуқлигини таъминлаш ва иқтисодиётда яқка ҳукмронликни бартараф этиш орқали хўжаликнинг ушбу усулларини ривожлантириш мумкин бўлади. Бу жуда мураккаб ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий жараён бўлиб ҳисобланади. Чунки иқтисодий муносабатларнинг хусусиятлари, ишлаб чиқарувчиларнинг сифат жиҳатлари ўзгариб, уларнинг иқтисодий жавобгарлиги ҳам ошиб боради.

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

Эрматов Т.Ш. ТМШ.

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонунига асосан “Тадбиркорлик – фуқароларнинг фойда ёки шахсий даромад олишга йўналтирилган мустақил, ташаббускор фаолияти бўлиб, у фуқаронинг ўз номидан, ўзининг таваккалчилиги билан ҳамда ўзининг ёки юридик (ҳуқуқий) шахснинг мулкий жавобгарлиги асосида амалга ошириладиган ташаббускор фаолиятдир”¹ идея таърифланган. Тадбиркорлик фаолияти - бу энг аввало, қўлидаги бойлигидан бизнес билан шуғулланиши учун фойдаланадиган фаол ва ташаббускор кишининг интеллектуал фаолиятидир. Шунинг учун ҳам “Тадбиркорлик” пул топиш эмас, балки яратувчилик фаолияти орқали даромад олишни билдиради.

Юртимиз тарихида тадбиркорлик қадим замонлардан буён алоҳида ўрин тутиб келади. Ота-боболаримизнинг ўз ери, ўз мулки, ўз касбу хунарига эга бўлиш, омилкорлик билан иш юритиш, тадбиркор ва ишбилармонларни кадрлаш борасидаги анъаналари ўзига хосдир. Аждодларимиз айнан тадбиркорлик соҳаси ҳисобидан рўзғор тебратиб, ўз оиласини, эл-юрт манфаатини таъминлаб келган. Тадбиркорлик, ишбилармонлик ўзбек халқининг қон-қонига, суяк-суягига сингиб кетган ноёб ва эзгу фазилатдир.

Тарихий манбаларга кўра, буюк олим Фаробийнинг “Фозил кишилар шаҳри” асарида миллий тадбиркорларнинг ўзига хос хусусиятлари баён этилган. Унда кишиларни асосан мулкдор бўлишга, яъни тадбиркор бўлишга ва унинг натижасида инсон қашшоқ ҳолда яшамаслигини, ишлаб чиқариш эҳтиёжига ҳам, шахсий истеъмолига ҳам харажат қилишда тартиб ва меъерга амал қилишга чақирган.² Шунингдек, тадбиркорлик хусусиятларини ўрганишда Амир Темурнинг “Темур тузуклари”³ асари алоҳида аҳамият касб этади. Амир Темурнинг барча оламшумул ғалабаларига сабаб унинг

¹ Ўзбекистон Республикаси “Тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни. – Т: 2000.

² Абу Наср Фаробий. Фозил кишиларшаҳри. –Т: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.

³ Аҳмедов Б. Темур тузуклари. Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1996.- 343 б.

МУНДАРИЖА

ЯЛПИ МАЖЛИС		
Рустамбаев М.Х.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодий тараккиётимиз пойдевори	3
Мамасиддиқов М.М.	Хусусий мулк ва тадбиркорликни ҳар томонлама ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришнинг асосий йўналишлари	6
Маматов А.А.	Хусусий тадбиркорликнинг моҳияти, уни миллий иқтисодиётда тутган ўрни ва ривожланиш йўналишлари	15
Жўраев Т.Т.	Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳудудий жиҳатлари	24
Нигманов Э.А.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишида давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг устувор йўналишлари	28
Зайнутдинов С.М.	Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти самарасини ошириш муаммолари	32
Абулқосимов Х.П.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш масалалари	35
Хасанов Р.Р.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мавқеи ва аҳамиятини кенгайтириш йўллари	38
Хуррамов А.Ф.	Дехқон хўжалиги тадбиркорлик шакли сифатида	42
1-шўба. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг устувор йўналишлари		
Рустамов Б.	Кичик бизнес ва тежамкорлик	45
Хошимов П.З. Хидирова С.Ё.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик	47
Пулатов Ю.	Некоторые вопросы правового обеспечения развития малого предпринимательства	50
Набиев Э.Ғ.	Хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий асослари	54
Эрматов Т.Ш.	Тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий аҳамияти	57
Буриева Н.Х.	Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантиришни ўзига хос хусусиятлари	60
Мамуров С.И.	Тадбиркорликни ривожлантиришда рақобатбардошлик муносабатларини шакллантириш	63
Шоев А.Х.	Перспективы развития малого бизнеса и частного предпринимательства в узбекистане	65
Самиев С.И.	Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни	69
Israilova Sh.T Begmatova Sh.A.	Mulkchilik munosabatlarining iqtisodiy mazmuni va ahamiyati	71

**ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙ МУЛКЧИЛИК ВА КИЧИК
БИЗНЕСНИ УСТУВОР РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ**

республика илмий-амалий конференцияси

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

27 февраль 2018 йил

(1-қисм)

Муҳаррир: Анаркулов А.Д.

Босишга рухсат берилди 19.09.2018 Буюртма № 64 Формат 60x90/16
Times New Roman гарнитураси билан рақамли босма усулида босилди.
Ҳажми 17,5 н.-х.т. Адади 10 нусха.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ХТИ босмахонаси